
Миллий либослар – қадриятларимиз кўрки

Учкўприк тумани “Баркамол авлод” болалар марказида оила ва хотин-қизлар бўлими, Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида “Миллий либослар – қадриятларимиз кўрки” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Ёшлар ўртасида миллий либосларимиз ва қадриятларимизни тарғиб этиш мақсадида ташкилланган тадбирда халқимизнинг кўп асрлик ўтмиш маданияти, урф-одат ва анъаналари, диди, эстетик қарашлари, шунингдек, ташқи қиёфа ва либос борасидаги ўзига хос хусусиятлари яна бир бор намоиш этилди.

Марказда фаолият олиб бораётган тўғараклар аъзолари томонидан маҳорат билан тайёрланган ижодий ишлар, бадий чиқишлар, саҳна кўринишлари ҳамда концерт дастурлари тадбир қатнашчиларининг эътирофига сазовор бўлди.

“Либослар дизайни” тўғараги раҳбарлари томонидан намоиш этилган кўرғазмада миллий матолардан тикилган замонавий либослар барча ёшдаги ўзбек қиз-аёлларига ярашиши, бу каби кийимлар ёшларимизда миллий қадриятларимизга бўлган ҳурмат туйғуларини юксалтириши қайд этилди.

2025-01-28 10:52:07